

ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИДА МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР МАЗМУНИ ВА ТАРБИЯВИЙ ҲУСУСИЯТЛАРИ.

*Куйчиева Замира-ўқитувчи
Гулистан давлат университети*

Аннотация: Мақолада ҳар бир санъат ўқитувчиси давлат ва халқ олдидаги масъулиятини чуқур англаб етиши, хусусан, келажак авлодни ўз касби бўйича етарли билим, илмий-педагогик маҳорат, кўникма ва кўникмага ега бўлган касб егаси этиб тарбиялаши зарурлиги ҳақида сўз боради. Марғилондаги хонандалар ҳаёти.

Таянч сўзлар: Педагог, Мусиқа, Ҳамкор, Хор, Марғилон, Artist, Ҳофиз, Ўқитувчи, Ижро, Хонандалик санъати, Мерос.

THE CONTENT AND EDUCATIONAL FEATURES OF NATIONAL TRADITIONS IN THE DEVELOPMENT OF UZBEK MUSICAL CULTURE

*Kuychieva Zamira – Teacher of the Department of
Music Education of Gulistan State University*

Abstract: The article tells about the need for every art teacher to understand his responsibility to the state and the people, in particular, to educate the next generation as a professional who can provide sufficient knowledge in his profession, scientific and pedagogical skills, skills and life of singers in Margilan.

Keywords: _Pedagogue, Music, Partner, Choir, Margilan, Artist, Hafiz, Teacher, Performance, Singing Art, Heritage.

Қайсики юртнинг жамият ривожига, умумбашарият ривожига ҳисса қўшадиган намоёндалари мавжуд экан, у замин тарихлар манбаи бўлиши муқаррардир.

Марказий Осиёда хусусан, Ўзбекистонимизда Самарқанду-Бухоро, Хоразму-Термиз, Тошкенту-Фарғона каби воҳаларда бу хусусда муносиб алломаларни, илм-фан намоёндаларини, маданият ва санъат усталарини

тарбияланганлиги тарих ва илм-фанда қайд этилганлигини эътироф этиш лозимдир.

Фарғона водийсининг азал-азаллардан маънавияти бой, санъатсевар халқ эканлиги барчага маълум. Бу хусусда тарихий манбааларимизни хабар беришича, Фарғона водийсининг Марказий шаҳарларидан бири Марғилон бўлганлиги юқорида эслатиб ўтилди. Фарғона водийсининг Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон шаҳарлари бир бутунликда Фарғона водийсини ташкил этаркан, кенг маънода бутун ижодкорларни бирлашувида ҳам Фарғона ҳудуди алоҳида аҳамиятни касб этган.

Ҳар бир ўтган давр амалиёт анъаналаридан келиб чиқиб, ўзига ҳос ижод ва ижро йўналишларига, турларига бўлинган. Анъаналар жонланиб, янги-янги услублар юзага келган. Оқибатда санъат ривож топган. Мукамал ва келажакка ҳос асарлар яратилган.

---Халқ оғзаки амалиётида «Қўшиқ Андижонда яратилади. Марғилонда чарҳланади. Қўқонда турланади» ёки «Андижон созандалар юрти, Марғилон ҳофизлар макони» каби иборалар ўз-ўзидан айтилмагандир. Унинг замирида Фарғона водийсида яшаб ижод этган мумтоз адабиёт, мумтоз мусиқа санъати, мумтоз ижрочилик анъаналарига ҳисса қўшган намоёндаларнинг тарихда қолдирган амаллари ва ижодий намуналари ётади. Халқ мусиқа ижодиёти жуда бой, лекин мумтоз йўналиш ўз нуфузи ва маърифати билан алоҳида эътиборда бўлиб келган. Халқнинг маънавиятини белгиловчи мезонлар ҳам айнан босқичларда намоён бўлади. Фарғона водийсининг мумтоз мусиқа санъати ўтмишига назар соладиган бўлсак, жуда бой устоз санъаткорлар ижоди, улар қолдирган ижровий анъаналар ва шунга мос мусиқий намуналарини гувоҳи бўламиз. Уларни тарихий кесимда ўрганар эканмиз, қуйидагича ёндошилса мақсадга мувофиқдир. Яъни устозлар ижодиёти билан боғлиқ ўтмиш анъаналарини икки йўналишини алоҳида ва намоёндаларини алоҳида ўрганиш мақсадлидир:

1. Ҳофизлик анъаналари.
2. Йирик ижрочилик мактаблар ва уларнинг намоёндалари.

3. Фарғона водийсида ижод этган ҳофизлар силсиласи.

Зеро, ҳар бир тармоқ тарихи ва ривож йўлига эга. Меросни тобора бойитиб бориш, ижроларни мукамаллашиб турланиши, ҳамма-ҳаммаси айнан амалиёт мезони билан изоҳланади.

Фарғона водийсида азал-азалдан мусиқа санъатига ҳос бўлган чолғу ижрочилик, хонандалик, миллий ракс каби йўналишлар ўз самарасини кўрсатиб келган. Шулар орасида Фарғона водийсининг ашула ижрочилик амалиёти билан боғлиқ бўлган хонандалик санъатидир.

Фарғона водийси ҳофизлари ўзларининг кучли жиҳатлилиги билан биридан фарқ қилиб келган.

Улар яшаб ижод этган даврларда, ижодий муҳит, давр талаби ҳамда мероснинг амалиётда ўзига ҳос аксини топиши каби ижрочилик амалиётининг жонли жараён билан боғлиқ мезонлари ва шунга ҳос муносабатлари турлича кечганлигини қайд этиб ўтиш лозимдир.

1. Ҳофизлик анъаналари. Ўзбек мусиқа ижрочилик санъатида етакчи йўналишлардан ҳисобланган хонандалик, ҳофизлик анъаналарининг мусиқа талқини билан бевосита боғлиқ бўлган тармоғидир. Одатга кўра, мумтоз мусиқамиз бўлмиш мусиқа санъатини касбийлик йўналишида фаолият олиб борган хонандалар ҳофиз номига лойиқ бўлганлар. Чунки ҳофизлик хонандалик касбининг энг юқори даражаси ҳисобланади.

Хонандаликнинг ижро амалиётида йўналишлари ва турлари жуда кўп. Айниқса, халқона услуб, ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Касбий мусиқа хонандалиги эса ўзининг мураккаблиги билан алоҳида-алоҳида мактаб, услуб, йўналиши хусусиятларини ўзида шакллантириб, умумий муҳит доирасида шаклланиб ривожланиб келинган.

Ҳар бир соҳа мактаб ёки услуб даражасига эришар экан, унинг заминида бир қатор амаллар ва усуллар таркиб топиши муқаррар. Чунончи, улар муайян бир соҳанинг асосий омиллари (қонун-қоидаларини) ташкил этади. Мактаб даражасида эса бу қонун-қоидаларнинг ўзлаштирилиши ва давом эттирилиши, анъанага айлантирилиши шарт.

Фарғона водийси мусиқа ижрочилик санъатида сурнай йўлларига хос бўлган ижрочилик, ғижжак ва ансамбль ижрочилиги, айниқса хонандалик соҳасида бу жараёни кенг кузатиш мумкин.

Фарғона водийсининг хонандалик билан боғлиқ бўлган анъаналарида яллачилик, ашулачилик ва катта ашулачилик йўналишлари мавжуд. Ҳар бир йўналиш айтим жараёни билан боғлиқ бўлса-да, ўзларининг жанрлик хусусиятларига эгадирлар. Ҳофизлик анъаналари доирасида ушбу жанрлар ижрочилари айтим моҳиятидан келиб чиқиб, турли босқичлардан ўтишлари лозим. Энг аввало хонанда чиройли овоз ва шунга хос истеъдодга эга бўлиши лозим. Шундагина у мумтоз хонандалик билан шуғулланиши мумкин.

Ҳофизлик анъаналарини эгаллашда энг биринчи - босқич бу сабоқ жараёнидир, яъни одатга кўра билимдон устозга шогирд тушиш ва ундан хонандалик сиру-синоатларини ўрганиши.

Иккинчидан - хонанда мумтоз мусиқа мероси таркибидан жой олган мусиқий намуналарини секин-аста ўзлаштириши ва ёд олиши лозим.

Учинчидан - чолғу чалишни ўзлаштириши, улар орасида танбур ва доира ижрочиликларини ўзлаштириши лозим. Бу сифатларни барчаси ҳофизлик анъаналарининг асосий мезонлари ҳисобланади. Ҳофизлик ўз навбатида билимда ва мукамал ижрочилик санъатидир. Шу боис ҳар бир “Хонанда, аввало, ўзида ҳофизлик кўникмаларини тарбиялаши лозимдир. Бу ўринда таниқли мусиқашунос олим И.Ражабов шундай деб таъкидлаганлар: «... катта формадаги халқ мусиқа асарларини ижро этишда чолғучи ва ҳофиз махсус малака ҳосил қилган бўлиши, мақомларни ижро этиш техникасини юксак даражада эгаллаган бўлиши лозим. Сифатсиз ижро этиш айниқса мақом йўлларини бир дақиқада инсонда нотўғри тасаввур қолдириши мумкин».¹

Демак, ҳофизлик анъаналарида ижрочилик мезонларини мерос, мусиқий меросни меъёрида ўзлаштириш катта аҳамият касб этиб келган.

Фарғона водийси ҳофизлик анъаналарида ҳар учтаси ҳам мусиқий жанрда ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Катта ашула Фарғона водийсининг етакчи

¹ И.Ражабов. «Мақомлар масаласига доир». -Т., 1963 йил. 268-бет.

жанрларидан ҳисобланади, «Катта ашула, - деб ёзади мусиқашунос олим Ф.М.Кароматов, - ўз куйининг жуда ҳам ривожланганлиги, диапазонининг жуда ҳам кенглиги (уч октавага яқин), оҳанг ривожининг кўламлигига қарамасдан куй асосини речитативсимонлиги ҳамда метро-ритмик эркинлиги билан ажралиб туради. Ижро этилиши ҳам ўзига ҳос услубда бўлиб, икки ва ундан ортиқ ҳамнафас, яъни доимо бирга юришадиган мутахассис ашулачилар кичик ансамблининг маълум тартибда бирин-кетин ва биргалашиб айтишларидан иборатки, бунда халқ профессионал ижрочилигида қабул қилинган услубдан четлашмасликка ҳаракат қилинади».²

Одатда катта ашула азал-азалдан халқ орасида ўзининг нуфузи билан ажралиб турган жанрлардан бири бўлган. Мусиқашунос олим Рустам Абдуллаев Фарғона водийсининг барча туманларида мавжуд бўлган Қўқон, Марғилон, Фарғона, Андижон, Балиқчи, Наманган катта ашулачилик мактабларини ўрганиб, илмий асослаб ижрочилик анъаналари хусусида - «Фақат махсус ижрочилик мактабини ўтаган хонандаларгина катта ашулани ижро этишлари мумкин» деган фикрни алоҳида қайд этиб ўтади. Қолаверса, «Катта ашула»ни илмий-тадқиқ этиб барча хусусиятлари, йўналишлари, ижро услублари ва намоёндалари хахида жуда кўп маълумотлар баён этади. Хусусан, «Оғзаки анъанадаги ўзбек профессионал мусиқасининг ашула жанри катта ашула, ўзига ҳос мусиқавий поэтик тил, услуб ва маиший шаклига эгадир. Халқ орасида патнисаки ашула номи билан ҳам машҳурдир».

«Катта ашуланинг ёрқин ўзига ҳос сифатлари, муайян маҳаллий локаллик жиҳатларида мужассам топган» - деб ёзади ва «Катта ашуланинг ўзига ҳос жиҳатлари жуда кўп. Улардан бири ижро воситасида теран мазмун, лирика, чуқур ва кўтаринки фалсафийлик ва динамикага эгалиги, кенг кўламлиги қолверса мусиқий таркибини асоси, бадиҳавийлиги» ва хоказолар.

Катта ашула услубида айниқса, сўз матнларига катта эътибор берилган. Бу хусусда мусиқашунос О.Матёкубов ўзининг «Мақомот» китобида ёзади: «Катта ашула - хонақодан ташқарида илохий мавзулардаги ашулаларни мумтоз куй

² Ф.М.Кароматов. «Ўзбек халқ мусиқаси мероси». -Т., «**Ғулом**» номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1978 йил. 7-бет.

йўлларига солиб айтиш. Улар Халқ орасида «Катта ашула» номи билан юритилади. Катта ашула эркин вазнда ижро этилишини тақозо қилинади. Шу билан бирга, қатъий тартиб ва низомли мақом йўлидан фарқли ўлароқ, бу тоифа ашулалар «Ёввойи услуб» деб ҳам айтилган. Масалан, «Ёввойи Ушшоҳ», «Ёввойи Чоргоҳ» каби куйлар катта ашуланинг чолғу кўринишидир. Бу анъаналар Фарғона-Тошкент воҳасининг мумтоз услуби сифатида ханузгача давом этиб келмоқда. Шўро даврида катта ашулаларнинг эски диний сўзлари олиниб, замонга хос янги шеърлар билан айтиш расм бўлган эди».¹

Айни пайтга келиб, катта ашулаларнинг янги авлоди тарбияланмоқда. Ашула ижрочилиги мумтоз мерос ижрочилиги билан ҳарактерланади. Одатда, уни мақом («Шашмақом» ва «Фарғона-Тошкент мақом йўллари»)да яратиш, мумтоз мусиқа намуналарини водийга ҳос талқинда ижро этадилар.

Фарғона водийсининг хонандалари орасида азал-азалдан оммалашган йўлларида бири яллачилик санъатидир. Одатга кўра мумтоз хонандалар амалиётида оммавийроқ мусиқий намуналар ижро этиш расм бўлган. Бундай намуналар жиддий матнга, яъни мумтоз шоирларнинг байтларига асосланган. Мусиқий оҳанглар эса, нисбатан жонланган метро-ритмик, яъни усулга таянган. Бу асарлар шакл жиҳатидан, савия нуқтаи-назаридан, мумтоз асарларидан фарқ қилмаган. Юқори авжли, кўтаринки ва жозибали хусусиятлар касб этган. Одатга кўра тадбирларнинг асосий қисмига дам берувчи ва жонлантириш мақсадида яллаларга мурожаат этилган, ҳаттоки, хонандаларнинг ўзлари вазиятга асосланиб яллалар яратганлар.

Фарғона водийси ҳофизлик анъаналарнинг ижрочилик мезони кўп жиҳатли эканликлари барчага маълумдир.

Чунончи, ҳар бир ҳофиз етук ашулачи бўлиши билан бирга, зукко аскиячилик санъатидан, созандалик амалларидан хабардор бўлган. Фарғона ҳофизларидаги оддий амалиёт давомда бу жиҳатлар ўзига ҳос бетакрор хусусиятларга айланган. Шу боис, бу жиҳатларни Фарғона водийси ҳофизлик санъатига ҳос анъаналар дейишга ҳақлимиз.

2. Йирик ижрочилик мактаблар ва уларнинг намоёндалари. Фарғона

водийси хофизлик анъаналари ўз илдизлари билан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Унинг асосий сабаблардан бири санъаткорлар ва созандалар фаолияти билан боғлиқ.

Отаназар Матёкубов “Мақомот” Тошкент-2004йил 34-бет.

Ушбу ўлкада ўзига хос шевалари билан ажралиб турувчи тўрт вилоят мавжуд. Мусиқа ижрочилиги санъатининг мумтоз йўналиши бўйича уларни бирлаштириб турувчи мусиқага жанр, катта ашула деб оладиган бўлсак, хонандалик ва созандалик уларнинг айнан шева билан боғлиқ алоҳидалик жиҳатлари намоён бўлади.

Маълумки, Андижон созандалар макони. Албатта, чолғу мусиқасининг юзага келиб ва доврўғ топишида асосий замин бўлиб хизмат қилган. Лекин хонандалик ҳам алоҳида Андижон мактаби ва уларнинг намоёндалари бўлиб шаклланган.

Қўқон-Фарғона водийсининг маданият маркази ҳисобланган бўлса, бунга асос хонлиқнинг пойтахти даражасини эгаллаб туришидадир. Бу эса бир томондан Қўқонда мумтоз намуналарининг шаклланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, йирик-йирик санъаткорларни Қўқон мактабида фаолият юритишга ва ижод этишга чорлаган. Оқибатда, йирик шахсий ижро мактабига эга бўлган хофизлар ҳам Қўқонда ижод этишган. Лекин Марғилон ҳам хофизлар юрти сифатида донг таратган ўлка ҳисобланади.

Мусиқа санъатининг ижрочилик амалиётида йирик-йирик забардаст хофизу-хонандалар ижроларида бир-бирини бойитувчи ва бир-биридан илҳомланувчи шахсий услублар ҳамда мактаблар шаклланган уларни шаклланишида икки мезон асосий аҳамият касб этган. Биринчиси, мақом ижрочилиги бўлса, иккинчиси маҳаллий ижро йўллари дир. Ҳар бир хофиз

мукаммаллик даражасига эришар экан, ана шу икки мезонда қовурилиб етишиши лозим бўлган.

Шу услубда Фарғона водийси ҳофизлик анъаналарида шева-ю, мақом билан боғлиқ ҳамда шахсий Талқин билан боғлиқ бир қатор ижрочилик мактаблари ва услублари юзага келган. Шунга кўра, энг йирик мактаблар қаторига Қўқон-Бешариқ, Марғилон-Ёзёвон, Андижон-Балиқчи ҳофизлик мактаблари кирган. Ҳар бир мактаб бир нечта туманларни ўз таркибига олиши муқаррар. Улар ҳам қайси бир маънода ўзига ҳослик хусусиятлари билан суғорилган. Масалан, Қўқоннинг Бувайда, Бешариқ, Исфара ёки Марғилоннинг Ёзёвон, Тошлоқ, Олтиариқ, Қувасой.

Бу мактабларни яратилишида муайян жойларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирганлар ва бевосита хонанда-ю, созандалар ҳисобланади. Хонандаларнинг ҳам шаклланишида ижро талқини нуқтаи-назаридан икки ижровий омил муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг биринчиси макон билан боғлиқ ижро мактаби бўлса, иккинчиси шу ижро мактабида тарбияланиб шаклланган, кейинчалик алоҳида сифатлар билан суғорилган шахсий услуб ҳисобланади. Одатга кўра, мумтозлик даражасига эришган ижро услуби макон билан мактабни ташкил этади. Шахсий услублар эса мумтоз йўлларга мансуб бўлган ва ундан енгилроқ, бўлган мусиқий йўллар асосида юзага келади. Бу хусусда Фарғона водийси жуда кўп ҳофизларга бой макон ҳисобланади. Ўз вақтида ҳофизларнинг ўзаро муносабатлари бир-бирларига ўтказган таъсирлари ёки тақлидлари шахсий такомилланишига ёки макон мактаблари мукаммалашига асос бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Педагогика тарихи “Олий ўқув юртлари учун дарслик”, “Шарқ нашриёти” Тошкент шаҳри 2000-йил 10-11-бетлар.
2. Ҳ.Ҳамидий Авестодан “Шоҳномага” Тошкент “Шарқ” 2007 й. 70-бет
3. Авестодан Шоҳномага-Ҳ.Ҳамидий-Тошкент “Шарқ” 2007 й. 220-б.
4. Е.Е.Романовская “Статьм и доклады, записи музыкикольного фолькори”-Т.1997 стр 179

5. Ризоуддин Бин Фахриддин “Шогирдлик одоби” Т. Устоз нашриёти 2008, 15-бет
6. Ризоуддин Бин Фахриддин ”Шогирдлик одоби” Т. Устоз нашриёти 2008, 16-бет
7. 19. Karimov.I.A. Yuksak ma`naviyat-yengilmas kuch.-Т. “Ma`naviyat”, 2008. 61-62-бет
8. И.Ражабов. «Мақомлар масаласига доир». -Т., 1963 йил. 268-бет.
9. Ф.М.Кароматов. «Ўзбек халқ мусикаси мероси». -Т., «**Ғ.Ғулом**» номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1978 йил. 7-бет.
10. Отаназар Матёқубов “Мақомот” Тошкент-2004йил 34-бет.
11. Азаров Ю.Т. “Мастерство воспитания”. М.1971г.-19.
12. Т.Алиматов “Соз васфи” Шарқ юлдузи – 1996-1-сон 193 бет.